

## Иқтидорли ёшлар Республика форум

Мен “Гидромелиорация” факултети “Сув хўжалиги ва мелиорация” йўналиши 201-гуруҳ талабаси Жалилов Сирожиддинман. 2018-йил 15-октябр куни Тошкент шаҳри Ёшлар ижод саройида ўтказилган “Иқтидорли ёшлар Республика форуми” инноватсион ғояларни қўллаб қувватлаш ва уларни моддий таъминлаш тўғрисидаги форумида ўз инноватсион ғоям билан иштирок этдим. Ўз лойиҳамни ривожлантириш, уни амалиётга тақдим этиш учун бир қанча маслаҳатлар олдим. Шу билан биргаликда “Старт-уп” лойиҳасида қатнашиш учун бир мунча ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб олдим ва бошқа ихтирочи талабалар билан ўз фикримизни алмашдик.

Форум якунида ўз олдимга бир неча мақсадларни қўйдим, яъни бу институтимиз ҳудудида “Ёшлар Иттифоқи” қошида “Ёш инноваторлар” жамоасини тузиш ва уни шакиллантиришдир. Бу гуруҳга барча инноватсион ғояларга қизиққан ва янгиликларга интилувчан талабаларни таклиф этаман.

Бу гуруҳда улар биргаликда янгидан янги ғоялар устида ишлаши, ўз билимларини мустаҳкамлаши, юртимиз ёки бошқа давлатларда бўлаётган инноватсион янгиликлардан хабардор бўлиши ва ўзи ҳам қатнашиш имкониятига эга бўлади. Энг муҳими, шундаки сиз бу жамоага қабул қилинишингиз учун, сиздан фақат ташаббускорлик ва қизиқишингиз ўзи етарли бўлади.

Маълумот учун: +99897 761-03-55га телефон қилишингиз мумкин.



Жалилов Сирожиддин (Гидромелиорация факултети талабаси)